

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАНИЯЗОВ АДҲАМ АЗАМАТОВИЧ**

**ҚУЙИ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА  
СУТ БЕЗИ МЕТАСТАТИК РАКЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК  
ХАРАКТЕРИСТИКАСИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ходжаниязов Адхам Азаматович**

Қуйи Оролбўйи худудларида яшовчи

аёлларда сут бези метастатик ракларининг

морфологик характеристикаси ..... 3

**Ходжаниязов Адхам Азаматович**

Морфологическая характеристика

метастатического рака молочной железы

у женщин Нижнеаральского региона ..... 21

**Khodjaniyazov Adham Azamatovich**

Morphological Characteristics of Metastatic

Breast Cancer in Women of the Lower Aral Sea Region ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОДЖАНИЯЗОВ АДҲАМ АЗАМАТОВИЧ**

**ҚУЙИ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА  
СУТ БЕЗИ МЕТАСТАТИК РАКЛАРИНИНГ  
МОРФОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2487 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashmeduni.uz](http://www.tashmeduni.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Юлдашев Баҳром Собиржаневич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимов Бобур Лукмонович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Махкамов Носиржон Жўраевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Б. Саидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сут беzi саратони аёллар орасида онкологик касалликлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, юқори леталликка эга бўлган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Касалланиш йиллик ўсиш суръати 1,8% ни ташкил этиб, умр давомийлиги 74 йил бўлганда кумулятив хавф 5,4% га етади. Метастатик сут беzi саратони патогистологик жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, унинг морфологик ва морфогенетик хусусиятлари тўлиқ аниқланмаган, биологик фенотиплар гетерогенлиги эса даволашда қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Замонавий терапевтик усуллар «.....яшовчанликни оширган бўлса-да, беморларнинг катта қисмида касаллик ҳали ҳам кеч босқичларда аниқланади, бу эса даволаш самарадорлигини пасайтиради.....»<sup>1</sup>. Шу сабабли клиник, морфологик ва иммуноморфологик кўрсаткичларни комплекс баҳолашга асосланган индивидуал ёндашув талаб этилади. Экологик ноқулайлик, эндоген ва экзоген омилларнинг таъсирини ўрганиш, хавфи юқори гуруҳларни аниқлаш ва эрта ташхислашни такомиллаштириш ушбу ишнинг долзарблигини белгилайди. Оролбўйи худуди аёлларида сут беzi саратони олди ҳолатлари ва дисгормонал ўзгаришларнинг клиникморфологик хусусиятларини илмий асослаш фундаментал тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда Қуйи Оролбўйи худудларида яшовчи аёлларда сут беzi метастатик саратонларининг морфологик тавсифини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада экологик ноқулай худудларда яшовчи аёлларда сут беzi метастатик саратоннинг гистологик шакллари патоморфологик хусусиятлари, жигар, ўпка, лимфа тугунларида метастаз жойлашуви бўйича ўсмалардаги тўқима ўзгаришларини морфометрик баҳолаш, метастатик ўсмалардаги HER2, ER, PR ва Ki-67 иммуногистохимёвий маркерлар экспрессиясининг даражаси ва уларнинг башоратлаш, гистотип ва иммуногистохимёвий кўрсаткичлар асосида метастазланиш хавфини баҳолаш учун башоратлаш мезонларни шакллантириш ҳамда метастатик сут беzi саратонида дифференциал ташхис ва индивидуал даво тактикаларини танлаш учун клиник тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аёлларда сут беzi метастатик саратонининг патоморфологик хусусиятларини комплекс баҳолаш ва ушбу тоифадаги касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қуйи Оролбўйи худудларида яшовчи

<sup>1</sup> ЖССТ расмий электрон сайти, 2022 <https://www.who.int/ru>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

аёлларда сут беши метастатик саратонининг морфологик тавсифига қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематологик ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сут беши саратони дунё миқёсида онкологик касалликлар орасида энг кўп учрайдиган патологиялардан бири бўлиб, аёллар ўртасида ўлим ҳолатлари бўйича етакчи ўринда туради. Илмий манбаларда сут беши саратони метастазлари, айниқса 55 ёшдан кичик аёлларда, ўлимнинг асосий сабаби сифатида кўрсатилган (Lukasiewicz S. ва бошқ., 2021; Marinelli F. ва бошқ., 2025; Росяйкина Я.А. ва бошқ., 2025). Касалликнинг ривожланиши ва клиник оқибатига ёш, гормонал ҳолат, овариал функция, ирсий омиллар, овқатланиш хусусиятлари ҳамда дисгормонал ўзгаришлар таъсир кўрсатиши қайд этилган (Cardoso F. ва бошқ., 2019). Охириги йилларда сут беши саратони асосан ўрта ва катта ёшдаги аёлларда қайд этилса-да, ёш беморлар орасида ҳам унинг учраш тенденцияси ортиб бораётгани таъкидланмоқда (Dodelzon K. ва бошқ., 2021; Merabishvili V.M. ва бошқ., 2024; American Cancer Society, 2024). Ёш аёлларда учраш частотаси 2,6% дан 16% гача деб баҳоланади. Мутахассислар орасида “ёш” беморларда касаллик кечишига оид қарашлар турлича: айрим тадқиқотчиларда ўсма ёшларда нисбатан тез ва агрессив кечиши таъкидланса (Kim H.J. ва бошқ., 2021; Kravchenko D.N. ва бошқ., 2017; Ganster F. ва бошқ., 2025), бошқа муаллифлар ёшнинг прогнозга катта таъсир кўрсатмаслигини қайд этганлар (Sbaity E. ва бошқ., 2024). Шу билан бирга, ёш аёлларда органи сақловчи операцияларни қўллаш масаласи тўлиқ ечимини топмаган. Қатор тадқиқотларда (Yu P. ва бошқ., 2020; Sun Z.H. ва бошқ., 2021; Sun Y. ва бошқ., 2025) ёш беморларда ҳам органи сақловчи хирургик амалиётларнинг афзалликлари ва 5 йиллик яшаш кўрсаткичларида катта фарқ кузатилмаслиги таъкидланган.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида турмуш тарзи, атроф-муҳит таъсирлари билан боғлиқ юзага келадиган ўзгаришлар, сут беши саратони касалликларни самарали ташхислаш ва самарали даволаш тактикасини танлашда қатор илмий ишлар олиб борилмоқда (Ж.А.Ризаев, 2024; 2025; Х.З.Турсунов, 2024; 2025; Б.А.Магруппов, 2025), бироқ, қуйи оролбўйи ҳудудларида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонларининг морфологик тавсифини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар мавжуд эмас.

Шу билан бирга, Қуйи Оролбўйи ҳудудида мазкур йўналишдаги тадқиқотлар жуда кам амалга оширилган. Юқорида айтилганларнинг барчаси сут беши саратонининг морфологик асосларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда ҳудудга хос омилларни ҳисобга олган ҳолда илмий хулосалар чиқариш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011500217 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2023-2027 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қуйи Орол бўйи ҳудудида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонининг патоморфологик хусусиятлари, гистотипи, метастаз жойлашиши, иммуногистокимёвий кўрсаткичлари, морфологиясини баҳолаш орқали индивидуал морфометрик таҳлиллар амалга ошириш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қуйи Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонининг гистологик шакллари ва уларнинг патоморфологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

метастаз жойлашуви (жигар, ўпка, лимфа тугунлари) бўйича тўқима ўзгаришларини морфометрик кўрсаткичлари таҳлил қилиш;

метастатик ўсмалардаги HER2, ER, PR ва Ki-67 иммуногистокимёвий маркерлар экспрессиясининг даражасини ва уларни прогнозлаш билан боғлиқлигини баҳолаш;

сут беши метастатик саратонининг морфологик шакллари ва иммуногистокимёвий хос хусусиятлари асосида метастазланиш хавфини баҳолашда прогностик аҳамиятга эга морфологик алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2024 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида рўйхатга олинган, клиник ва патоморфологик таҳлилдан ўтказилган сут беши метастатик саратони билан хасталанган аёллардан олинган гистологик ва иммуногистокимёвий таҳлил материаллари (умумий ҳисобда 652 нафар сут беши саратони ҳолатлари, улардан 213 та ҳолат метастатик саратон шакллари) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сут беши метастатик саратони билан хасталанган аёллардаги хужайравий ва тўқимавий ўзгаришларнинг морфологик хусусиятлари, гистотиплари (дуктал, лобуляр, аралаш), метастаз жойлашуви (жигар, ўпка, лимфа тугунлари), шунингдек HER2, ER, PR ва Ki-

67 маркерларининг иммуногистохимёвий экспрессияси даражасини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қуйи Оролбўйи ҳудудларида яшовчи аёлларда сут бези метастатик саратонини морфологик тавсифини баҳолашда ретроспектив таҳлил, макроскопик ва микроскопик, морфологик, иммуногистохимёвий, морфометрик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қуйи Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёлларда сут бези метастатик саратонининг кенг қамровли патоморфологик таҳлили асосида некрознинг оғирлиги, қон томир стромал реакциялар ва бошқа морфологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, ўсманинг дуктал, лобуляр ва аралаш шакллариининг морфологик тузилишининг хусусиятлари аниқланган;

сут бези метастатик саратонида HER2, ER, PR ва Ki-67 иммуногистохимёвий маркерларининг экспрессияланишининг прогностик аҳамияти, уларнинг ўсма жараёнининг ҳудудий хусусиятлари ҳамда қайталаниш ва метастазланиш хавфи билан боғлиқлиги илмий асосланган;

метастаз хавфини юқори, ўрта ва паст даражаларда баҳолаш имконини берадиган 5 мезонли балли (гистотип, Ki-67, HER2, ER/PR ҳолати, атипик ҳужайралар ҳажми) алгоритм шакллантирилиб, ўсманинг метастатик потенциалини баҳолаш учун морфометрик мезонлар ишлаб чиқилган;

илк бор сут бези метастатик ўсмаларини ташхислаш ва морфологик баҳолаш самарадорлигини ошириш учун «Patho Consult» телемедицина платформаси ва шифокор-патоморфолог маслаҳат марказлари тизимидан фойдаланиш илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари Қуйи Оролбўйи ҳудудида сут бези саратони билан хасталанган аёлларда метастазлашув имкониятини баҳолаш, қайталаниш хатарини ва индивидуал тарзда ташхисий ва даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамиятга эгалиги кўрсатилган;

иммуногистохимёвий маркерлар (HER2, ER, PR, Ki-67) асосида таргет терапияга мос келадиган беморлар гуруҳини ажратиб олиш, уларда даво самарадорлигини назорат қилиш ва башоратлаш имконини берган;

сут бези метастатик ўсмаларидаги морфологик ўзгаришлар ва тўқима реакциялари асосида эрта қайталанишларни тахмин қилиш учун клиник фойдаланишга яроқли мезонлар шакллантирилган;

шаклланган услубий тавсиялар асосида патоморфологик текширувларнинг самарадорлигини ошириш ва республиканинг турли туманларида қўллаш имконини берувчи амалиётдаги алгоритм шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ретроспектив таҳлил, макроскопик ва микроскопик, морфологик, иммуногистохимёвий, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги,

шунингдек, қуйи оролбўйи ҳудудларида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонларининг морфологик тавсифи халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қуйи Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонларининг морфологик ва гистологик хусусиятлари, гистотип, тўқима структураси, инфилтратив ўзгаришлар ва метастаз тузилишининг морфологик жиҳатлари таҳлил қилиш, HER2, ER, PR ва Ki-67 иммуногистохимёвий маркерларининг экспрессия даражаларини аниқлаш, уларнинг клиник-баъоратлаш аҳамияти, эрта қайталаниш хавфини баъоратлаш, экологик ноқулай ҳудудларда ўсма ривожланишининг ўзига хос таркибий ва биологик хусусиятларини аниқлаш, умумий патогенезга таъсир этувчи омилларни ёритишнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метастатик сут беши саратони морфологик ва иммуногистохимёвий кўрсаткичлар асосида эрта аниқлаш, қайталаниш ва метастаз хавфини баҳолашнинг самарали механизмларини яратиш, иммуногистохимёвий профилига таяниб, таргет терапияга мос келувчи беморлар гуруҳи ва даволаш самарадорлигини назорат қилиш имкониятини кенгайтириш, метастатик ўсмалардаги стромал реакциялар, инфилтрация даражаси ва морфологик ўзгаришлар таҳлили, клиник амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган патоморфологик мезонлар ишлаб чиқиши Қуйи Оролбўйи ҳудудида сут беши саратони билан хасталанган аёлларда профилактика, эрта ташхис ва самарали даволаш чораларини амалга оширишда муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Қуйи оролбўйи ҳудудларида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонларининг морфологик характеристикасини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* Қуйи Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёлларда сут беши метастатик саратонининг кенг қамровли патоморфологик таҳлили асосида некрознинг оғирлиги, қон томир стромал реакциялар ва бошқа морфологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, ўсманинг дуктал, лобуляр ва аралаш шакллариининг морфологик тузилишининг хусусиятлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Урганч давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 июнда 178-сон билан тасдиқланган «Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёллар сут беши ракиннинг иммуногистохимёвий хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 23.09.2025 йилдаги 23-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 26.09.2025 йилдаги 29/1-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали бўйича 06.10.2025 йилдаги 125-I-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 декабрдаги 30/56-сон хулосаси). *Ижтимоий*

*самарадорлиги:* метастатик сут беги саратонининг морфологик ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларини стандарт баҳолаш натижасида ташхис аниқлиги сезиларли даражада ошириш, эрта аниқланган ҳолатлар улуши ортиб, кеч ташхис қўйилиши билан боғлиқ асоратлар камайиши ва даволаш индивидуаллаштириш, қайта-қайта биопсиялар, такрорий текширувлар ва шифокорлар ўртасидаги интерпретация фарқи камайиши ҳисобига беморларга психоэмоционал юкни енгиллаштириш, реабилитация жараёни тезлашиши ва ҳаёт сифати яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Қуйи Оролбўйи ҳудудида аёлларда сут беги метастатик ва саратон олди патологияларини морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий баҳолаш асосида ишлаб чиқилган тавсия ва алгоритмларнинг амалиётга жорий этилиш орқали мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 1820000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* сут беги метастатик саратонида HER2, ER, PR ва Ki-67 иммуногистокимёвий маркерларининг экспрессияланишининг прогностик аҳамияти, уларнинг ўсма жараёнининг ҳудудий хусусиятлари ҳамда қайталаниш ва метастазланиш хавфи билан боғлиқлиги илмий асосланганлиги бўйича таклифлар Урганч давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 июнда 178-сон билан тасдиқланган «Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёллар сут беги ракиннинг иммуногистокимёвий хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 23.09.2025 йилдаги 23-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 26.09.2025 йилдаги 29/1-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали бўйича 06.10.2025 йилдаги 125-I-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 декабрдаги 30/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* дисгормонал ўзгаришларни аниқловчи морфометрик тизимнинг жорий этилиши аёлларда хавфли ўзгаришларни эрта босқичда аниқлаш орқали сут беги саратонининг кеч босқичда аниқланиши камайиши, аёлларда онкологик хавотир даражасини пасайтириш, гинекологик патологиялар билан боғлиқ қонуниятларни аниқлаш орқали профилактик ишларни кучайтириш, мазкур тизим ёрдамида беморларга мақсадли маслаҳат, индивидуал мониторинг ва ўз вақтида даволашни бошлаш имконияти яратилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* морфометрик ва дисгормонал ўзгаришларни эрта аниқлаш ҳамда ёмон сифатли ўсмага ўтиш хавфини баҳолаш тизими қўлланилиши натижасида қўшимча биопсия, гормонал панеллар ва такрорий инструментал текширувларни қисқартириш натижасида мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 1515000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* метастаз хавфини юқори, ўрта ва паст даражаларда баҳолаш имконини берадиган 5 мезонли балли (гистотип, Ki-67, HER2, ER/PR ҳолати, атипик хужайралар ҳажми) алгоритм шакллантирилиб, ўсманинг метастатик потенциалини баҳолаш учун морфометрик мезонлар ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Урганч давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 июнда 178-сон билан тасдиқланган «Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёллар сут беги ракиннинг

иммуногистохимёвий хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 23.09.2025 йилдаги 23-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 26.09.2025 йилдаги 29/1-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали бўйича 06.10.2025 йилдаги 125-І-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 декабрдаги 30/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эстроген дисбаланси ва онкологик жараёнларга мойиллик ўртасидаги боғлиқлик илмий асосланиши аёллар саломатлиги учун муҳим профилактик йўналишни шакллантириши, ташхиснинг эрта босқичда қўйилиши натижасида агрессив ўсмалар улушини камайтириш, даволашнинг мураккаб усулларига эҳтиёж пасайиши, беморларда ўз соғлиғига нисбатан масъулият ва ҳушёрлик кучайтириш, онкологик хавф гуруҳларида мунтазам мониторинг йўлга қўйиш орқали аёллар ҳаёт сифати, репродуктив саломатлик ва имкониятларини сақлашга катта ижтимоий ҳисса қўшишини имкони яратилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* эстрогенга боғлиқ дисгормонал ўзгаришлар ва онкологик хавфни баҳолаш алгоритмининг жорий этиш ортикча сектор резекциялари, қайта текширув ва стационар даволаш харажатларини камайтириш орқали мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 1675000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* илк бор сут бези метастатик ўсмаларини ташхислаш ва морфологик баҳолаш самарадорлигини ошириш учун «Patho Consult» телемедицина платформаси ва шифокор-патоморфолог маслаҳат марказлари тизимидан фойдаланиш илмий асосланганлиги бўйича таклифлар Урганч давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 июнда 178-сон билан тасдиқланган «Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёллар сут бези ракиннинг иммуногистохимёвий хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 23.09.2025 йилдаги 23-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 26.09.2025 йилдаги 29/1-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали бўйича 06.10.2025 йилдаги 125-І-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 декабрдаги 30/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* масофавий консилиум платформасининг ишга туширилиши патологоанатомик хулосаларнинг тезкорлиги ва ҳолислигини таъминлаш, республика бўйлаб мутахассислар ўртасида малакали маслаҳат олиш имкониятини кенгайтириш, чекка ҳудудлардаги беморлар юқори малакали ташхисотга тўсқинликсиз эга бўлиши, хатолик эҳтимолининг камайиши, клиник қарорлар бир хил стандартда қабул қилиниши, беморларга даволашни эртароқ бошлаш имконини яратиш, ҳаёт сифатини ошириш ва асоратлар улушини камайтириш ва олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* «pathoconsult.uz» масофавий консилиум платформаси ортикча биопсия, қайта гистология, такрорий ултратовуш текшируви ва иммуногистохимёвий таҳлиллар сонини ҳамда стационарда ётиш кунларини қисқартириш орқали мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш

учун сарфланадиган 1720684 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сут беzi саратони ва унинг метастатик шакллари**нинг тарқалиш муаммосининг замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида сут беzi саратонининг эпидемиологияси ва ҳудудий хусусиятлари, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг дунё мамлакатлари бўйича фарқлари ёритилган. Мазкур бобда касалликнинг морфологик турлари ва молекуляр субтиплари (гормон-рецептор ижобий, HER2-мусбат ва учлик манфий шакллар) ҳамда уларнинг прогноз ва даво тактикасини белгилашдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, сут беzi ўсмаларининг метастазланиш механизмлари, плазминоген фаоллашув тизими компонентлари ва уларнинг клиник-прогностик аҳамияти батафсил кўриб чиқилган. Муаммога доир мавжуд қарашлар асосида муаллиф томонидан илмий ечимларни излашга қаратилган ёндашув шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот объектларини ўрганишда ишлатилган материал ва усуллар**» деб номланган бўлиб, унда тадқиқотнинг клиник морфологик ва статистик таҳлиллари, морфологик текширишда қўлланилган усуллар, морфометрик таҳлил, иммуногистохимёвий таҳлил ва статистик таҳлил услублари батафсил тавсифланган.

Тадқиқот Республика Ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология Илмий-Амалий Марказининг Хоразм вилояти филиалида 2020-2024 йиллар давомида сут безининг хавfli ўсма касалликлари ташхиси билан мураккаб даволаш курсларини олган 652 нафар аёл бемор мисолида амалга оширилди. Тадқиқот доирасида 213 нафар аёл беморда жами 306 та метастазланиш ҳолатлари аниқланди, бу кўп аъзоли метастазланишнинг устунлигини кўрсатди.



**1-расм. Қўйи орол бўйи минтақасига кировчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туман ҳамда шаҳарлар кесимида сут беги метастатик саратони аниқланган аёл беморларнинг ҳудудий тақсимоги**

Ёш гуруҳлари бўйича тақсимот таҳлиliga кўра, метастазлар энг кўп 45-59 ёшли аёллар гуруҳига тўғри келди. Ҳудудий тақсимотда энг юқори кўрсаткичлар Урганч шаҳри (37 нафар), Урганч тумани (27 нафар), Шовот тумани (20 нафар) ҳамда Хонқа тумани (20 нафар) дан қайд этилиб, улар умумий ҳолатларнинг 40 фоизини ташкил қилди (1-расм). 213 нафар бемордан 156 нафарига (73,2%) жарроҳлик амалиёти ўтказилган, 57 нафар (26,8%) беморда эса турли клиник сабабларга кўра жарроҳлик амалиёти амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Морфологик таҳлиллар учун 213 нафар бемордан олинган биопсия материаллари ва патогистологик архив блоклари асос қилиб олинди. Кесмалар 5–7  $\mu\text{m}$  қалинликда тайёрланиб, гематоксилин-эозин ва Ван Гизон бўёқлари билан бўялди. Морфометрик таҳлил Fiji (ImageJ) дастури орқали юқори аниқликда амалга оширилиб, коллаген толаларнинг умумий майдони, фиброз участкалари қамрови, некроз ўчоқларининг юзаси, гемокапиллярлар сони ва эпителиал хужайралар/строма ҳажми ўртасидаги нисбат каби параметрлар аниқланди.

Иммуногистокимёвий таҳлил HER2/neu, эстроген (ER), прогестерон (PR) рецепторлари ва пролиферация индекси (Ki-67) маркерлари бўйича Dako ва Leica компанияларининг реактивлари асосида стандарт протокол бўйича ўтказилди. Натижалар баҳолашда антиген-антитело комплексларининг хужайрадаги экспрессия даражаси 0 дан (++++) гача бўлган шкала бўйича баҳоланди. Иммуногистокимёвий таҳлил натижаларига кўра, HER2 мусбат (3+) ҳолатлар 58 нафар (27,2%), ER мусбат ҳолатлар 117 нафар (54,9%), PR мусбат ҳолатлар 104 нафар (48,8%), Ki-67 юқори (>20%) ҳолатлар 143 нафар (67,1%) ни ташкил қилди.


Статистик таҳлил SPSS 26.0 ва STATISTICA for Windows дастурлари ёрдамида корреляция ва логистик регрессия усулларида амалга оширилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамиятлилиги Студент t-тести, хи-квадрат ( $\chi^2$ ) ва Фишер мезонлари асосида баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи боби «Эрта ривожланувчи ва метастатик сут беги саратонларининг патоморфологик ўзгаришлари (Қўйи Орол бўйида


**яшовчи аёллар мисолида)»** деб номланган бўлиб, унда Оролбўйи ҳудудида яшовчи аёлларда учрайдиган сут бези метастатик саратонларининг патоморфологик хусусиятлари гистотиплар асосида таҳлил қилинган, метастатик ўсмалар тўқималардаги некроз, фиброз, инфильтрация ва хужайравий деструкциянинг морфологик кўринишлари ўрганилган.

Орол бўйи ҳудудида истиқомат қилувчи 213 нафар аёл беморда учраган метастатик сут бези саратонлари гистотипик асосда гуруҳланиб, ҳар бирига хос патоморфологик ва клиник-прогностик хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, метастазланиш қобилияти сут бези саратон хужайраларининг биологик тури, яъни гистологик тузилиши билан яқин боғлиқ экани аниқланди.


Инвазив дуктал карциномаларда (2,3-расм) glandуляр тузилиш элементларининг қисман сақланиши, эпителиал хужайраларда атипия, вакуолизацияланган цитоплазма ва гиперхром ядроларнинг мавжудлиги кузатилди. Стромада лимфоид инфильтратлар ва фиброз участкалари аниқланиб, ўсма хужайралари липид тўқимасига кириб борганлиги қайд этилди. Инвазив лобуляр карциномаларда (4,5-расм) эса glandуляр архитектура деярли йўқолган бўлиб, хужайралар занжирсимон кўринишида жойлашганлиги аниқланди. Ядролар шакли ва ўлчамида нисбий бир хиллик сақланган бўлса-да, цитоплазманинг камлиги кузатилди.




**2-расм. Сут безининг инвазив дуктал карциномаси. Гематоксиллин эозин усулида бўялган. Кат.: 10x20**



**3-расм. Сут бези аденокарциномасининг хужайравий тузилиши. Гематоксиллин эозин усулида бўялган. Кат.: 10x40**



**4-расм. Сут безининг инвазив карциномаси. Гематоксиллин эозин усулида бўялган. Кат.: 10x40**



**5-расм. Сут безининг инвазив лобуляр карциномаси. Гематоксиллин эозин усулида бўялган. Кат.: 10x20**

Метастаз жойлашуви бўйича тўқима ўзгаришларини морфометрик баҳолаш олдиндан олинган биопсия материаллари асосида Fiji (ImageJ) дастурида амалга оширилди. Тадқиқот вазифаларида белгиланган учта асосий локализация жигар, ўпка ва лимфа тугунлари бўйича морфометрик таҳлил режалаштирилган бўлса-да, ўпкага метастаз берган ҳолатларда биопсия материалларини етарли миқдорда йиғиш имконияти чекланган бўлганлиги сабабли батафсил морфометрик ўлчовлар фақат жигар ва лимфа тугунлари биопсия материаллари асосида амалга оширилди. Ўпкага метастаз ҳолатлари бўйича иммуногистохимёвий таҳлил натижалари тўртинчи бобда батафсил ёритилган.

Лимфа тугунларига берган метастазларда хужайравий структуралар ўлчамлари 19,85-68,59 мкм оралиғида бўлиб, ядро-цитоплазма нисбати (0,51±0,08) ўсманинг агрессивлигини тасдиқлади. Фиброз участкалари қамрови 21,6±5,2% ни, некроз ўчоқлари юзаси 2180±740 мкм<sup>2</sup> ни ташкил этди. Морфологик жиҳатдан синус обструкцияси ва гиалиноз белгилари устунлик қилди. Жигарга берган метастазларда морфометрия кўрсаткичлари 20,0-132,8 мкм оралиғида бўлиб, энг йирик атипик хужайра 132,8 мкм, энг кичиги 20,0 мкм ни ташкил этди. Ядро-цитоплазма нисбати (0,76±0,11) иккала локализация ичида энг юқори бўлиб, ўсманинг юқори хавфлилик даражасини тасдиқлади. Фиброз участкалари қамрови 30,8±6,4%, некроз ўчоқлари юзаси 4720±1380 мкм<sup>2</sup> ни ташкил этиб, жигар метастазларининг агрессив биологик профили морфометрик жиҳатдан ҳам исботланди. Тўқималарда гиперхром ядролар ва реактив фиброз кузатилди (1-жадвал).

Иккала локализация бўйича олинган морфометрик кўрсаткичларнинг солиштирма таҳлили 1-жадвалда келтирилган:

#### 1-жадвал

### Жигар ва лимфа тугунлари метастазларининг морфометрик кўрсаткичлари

Морфометрик кўрсаткич	Жигар (n=6)	Лимфа тугунлари (n=7)
Хужайра ўлчами диапазони (мкм)	20,0–132,8	19,85–68,59
Медиана хужайра ўлчами (мкм)	64,5	33,8
Ядро-цитоплазма нисбати	0,76±0,11	0,51±0,08
Фиброз участкалари қамрови (%)	30,8±6,4	21,6±5,2
Коллаген толалари майдони (%)	18,6±5,1	14,2±4,3
Некроз ўчоқлари юзаси (мкм <sup>2</sup> )	4720±1380	2180±740
Гемокапиллярлар сони (кўрув майдонида)	12,2±3,4	6,2±2,1
Эпителий/строма нисбати	1,78±0,38	1,10±0,24
Хос морфологик белги	Гиперхром ядролар, реактив фиброз	Синус обструкцияси, гиалиноз


*Изоҳ: Морфометрик таҳлил олдиндан олинган биопсия материаллари асосида Fiji (ImageJ) дастурида амалга оширилди. Ўпка метастазлари бўйича биопсия материалларининг етарли миқдорда мавжуд бўлмаганлиги сабабли морфометрик ўлчовлар ўтказилмади; ўпкага метастаз ҳолатлари иммуногистохимёвий таҳлил доирасида (4-боб) баҳоланган.*

Олиб борилган морфологик ва морфометрик таҳлиллар натижасида жигар ва лимфа тугунлари метастазларининг аниқ морфометрик фарқланиши кўрсатилди: жигар метастазлари энг юқори хужайравий атипия (132,8 мкм гача), юқори ядро-цитоплазма нисбати (0,76) ва некроз кўрсаткичлари билан ажралиб турса, лимфа тугунлари метастазларида нисбатан кичик ўлчамли хужайралар (68,59 мкм гача) ва синус обструкцияси кузатилди. Ушбу натижалар сут бези метастатик саратонларида хужайравий ва тўқимавий ўзгаришларни чуқур баҳолаш, турларга хос морфологик меъёрларни аниқлаш ва клиник-прогностик баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.


Диссертациянинг тўртинчи боби «**Орол бўйи худудидаги аёлларда учрайдиган инвазив дуктал ва лобуляр карциномаларнинг иммуногистохимёвий тавсифи. Масофавий патологияда инновацион ёндашув Patho Consult платформаси тажрибаси**» деб номланган бўлиб, унда сут бези метастатик саратонларининг иммуногистохимёвий маркерлари экспрессияси ўрганилган ва масофавий патология тизимининг ишлаб чиқилиши баён қилинган.

Тадқиқотнинг ушбу бобида Қуйи Оролбўйи худудида аёлларда учрайдиган сут бези метастатик саратонларининг иммуногистохимёвий профили ўрганилди. Иммуногистохимёвий таҳлиллар орқали сут бези метастатик саратонларининг рецептор статуси ва пролифератив фаоллиги аниқланиб, клиник-биологик хусусиятлари баҳоланди. Қўлланилган асосий маркерлар: HER2 ўсма хужайраларидаги эпидермал ўсиш фактори рецептори экспрессиясини баҳолайди; ER гормонал боғлиқлик даражасини кўрсатади; PR ўсманинг гормонал профилини аниқлашда аҳамиятли; Ki-67 пролиферация индекси бўлиб, ўсманинг биологик агрессивлигини кўрсатади.

HER2 кучли (+++) экспрессияси 58 нафар (27,2%) беморда аниқланди. Кучли экспрессия ҳолатларида (6-расм) ўсманинг агрессив морфологияси, ядро-цитоплазма нисбатининг кескин бузилиши, хужайралараро адгезиянинг камайиши ва юқори митотик фаоллик кузатилди. Бу ёмон прогноз белгиси ҳисобланди. Ўртача (++) экспрессия 32 нафарда (15,0%) аниқланиб (7-расм), клиник кечишда гетерогенлик қайд этилди. Айрим ҳолатларда агрессив кечиш кузатилган бўлса, бошқаларида нисбатан сурункали кечиш белгиланди. Суст (+) экспрессия 41 нафарда (19,2%) ва HER2 манфий ҳолатлар 82 нафарда (38,5%) аниқланиб, улар нисбатан сурункали кечиш билан ажралиб турди.




**6-расм. Сут безининг инвазив дуктал карциномаси иммуногистохимёвий таҳлили. DAB хромоген усулида бўялган. Кат.: 10x40**




**7-расм. Сут безининг инвазив дуктал карциномаси иммуногистохимёвий таҳлили. DAB хромоген усулида бўялган. Кат.: 10x40**

ER мусбат ҳолатлар 117 нафарда (54,9%) аниқланди. ER мусбат ўсмаларда (8, 9-расмлар) ҳужайра ядроларида кучли жигарранг бўялиш қайд этилиб, ядро мембранаси ва нуклеоплазмада антиген-антитело комплексларининг аниқ локализацияси кузатилди. Бу ўсманинг гормонга боғлиқлигини тасдиқлаб, гормонал терапия самарадорлигини белгилаб берди.



**8-расм. Сут безининг инвазив дуктал карциномаси иммуногистохимёвий таҳлили. DAB хромоген усулида бўялган. Кат.: 10x40.**



**9-Расм. Сут безининг инвазив дуктал карциномаси иммуногистохимёвий таҳлили. DAB хромоген усулида бўялган. Кат.: 10x40.**

PR мусбат ҳолатлар 104 нафарда (48,8%) қайд этилиб, кўпинча ER билан уйғун ҳолда намоён бўлди. Ушбу ўсмалар гормонал терапия учун мақсадли гуруҳ сифатида баҳоланди. ER(-) ва PR(-) манфий ҳолатларда ўсмалар кўпинча HER2 мусбатлик ва Ki-67 юқори кўрсаткичи билан уйғун учраб, агрессив кечиш ва ёмон прогноз билан тавсифланди.

Ki-67 пролиферация индекси ўсмаларнинг биологик агрессивлигини аниқ кўрсатди. Ki-67 кўрсаткичи 60% ва ундан юқори бўлган 68 нафар (31,9%) беморда ўсманинг тез ўсиши ва метастаз бериш қобилияти юқори эканлиги маълум бўлди; 30–50% орасидаги 75 нафарда (35,2%) ўсма нисбатан тўхтамли кечди ва 20% дан пастдаги 70 нафарда (32,9%) эса у секин ва яхши башоратли бўлди.

Маркерлар экспрессиясининг ўсманинг гистологик тури билан боғлиқлиги таҳлил қилинганда, инвазив дуктал карциномаларда HER2(3+) экспрессия частотаси лобуляр карциномаларга нисбатан статистик жиҳатдан юқори бўлиши аниқланди ( $p < 0,05$ ). Лобуляр карциномаларда эса ER ва PR мусбатлик кўрсаткичлари устунлик қилди. Аралаш шаклларда иммуногистохимёвий профил гетероген бўлиб, ҳам дуктал, ҳам лобуляр компонентларга хос белгилар аниқланди.

Маркерлар экспрессиясининг метастаз локализацияси билан боғлиқлигини баҳолашда тадқиқот вазифаларида белгиланган 3 та асосий аъзо жигар, ўпка ва лимфа тугунлари бўйича таҳлил ўтказилди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотларига кўра, жигарга метастаз бўлган ҳолатларда HER2(+++) экспрессияси энг юқори (45,7%) бўлиб, ER/PR манфийлик устун бўлган (ER- 65,2%, PR- 69,6%). Ki-67 $\geq$ 60% ҳам жигар метастазларида энг

юқори кўрсаткични (47,8%) берди. Бу жигарга метастазланишнинг агрессив биологик профил билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

2-жадвал

**Маркерлар экспрессияси ва метастаз локализацияси ўртасидаги боғлиқлик (n=187)**

Маркер/Ҳолат	Ўпка (n=78)	Лимфа тугунлари (n=63)	Жигар (n=46)	$\chi^2$	p
<b>HER2</b>					
